



# SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI! O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 19-yanvar. Payshanba • 9 (32.224)

Иjтимоий-сиyосий газета

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz



## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг билан учрашув бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон — Германия» парламентларо гуруҳи раҳбари Рустам Комилов мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги парламентларо муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Германия Федератив Республикаси Бундестаги билан «Ўзбекистон — Германия» парламентларо гуруҳи аъзолари малакатимизда ўтказилаётган халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этмоқда.

— Ўзбекистон Германиянинг энг муҳим стратегик ҳамкорларидан бири, — деди Найтхарт Хёфер-Виссинг. — Мамлакатингиз Марказий Осиёда осойишталик ва фаровонлик мустаҳкамлаштига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги жараёнини янада ривожлантиришга қаратилган ислохотлар алоҳида эътиборга молик. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқингиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Биз турли йўналишлардаги ҳамкорлигимизни ривожлантириш ниятидамиз.

Учрашувда меҳмонларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, кўмиталар, фракциялар ва депутатлик гуруҳларининг фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА мухбири.

## Фракция фаолияти



Санжар ШОТЛУДАНОВ олган суратлар.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Раиси Ҳ.Кетминов ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, давлат органлари фаолиятида очиклиқни, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш,

жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз Ўз маърузасида 2017 йилда республикамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастури ва энг муҳим стратегик вазифалар ва устувор йўналишлар бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Тадбирда сиёсий партиялар фаолиятини янада ривожлантириш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди. Уларнинг муаммоларини эшитиш, турмуш шароитларини яхшилашга доир дастурлар ижросини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

— Президентимиз маърузасида 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг

муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгиланган. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Қирғизбоев. — Бу депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биз ҳам ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиб, аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Тадбирда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларда ишларнинг ҳолатини тизимли танқидий таҳлил қилиш, қатъий интизомга риоя қилиш ҳамда тобора ортиб бораётган замонавий талабларга мувофиқ бошқарув тизими самарадорлигини кучайтириш борасида раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Муносабат

## ИНСОН МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси бутун халқимизни тўлқинлантириб юборди, ҳаяжонга солди. Бугун ушбу маърузада билдирилган таҳлилий-танқидий фикрлар, илгари сурилган ғоялар жамоатчилик ўртасида кенг ўрганилмоқда, муҳокама этилмоқда.

2

## Юксак маънавият — енгилмас куч

## КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Нукусда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги фармойиши ижросини таъминлаш масаласига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган семинарда шаҳар ва туманлардаги ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, болалар кутубхоналари услубчилари, ички ишлар идоралари ходимлари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий аҳамиятга эга адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Интернет ва бошқа коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш, аинқиса, биз, педагоглар олдида турган муҳим вазифадир, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Р.Мирзақамол.

— Ешларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, аввало, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади, бу эса бутун жамят, қолаверса, келажак учун нечоғли аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак.

Семинарда болаларда китобга меҳр уйғотиш, мутлоаа кўникмасини ҳосил қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, ахборот-ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналари ходимларининг ўқувчилар билан ишлаш борасидаги мажбурият ва масъулиятини янада ошириш, таълим муассасаларида маънавий тарғибот ишларини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Семира АЛИЖОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

А.ОРТИҚБОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Кўрик-танлов



## ФАРҒОНАНИНГ ФАОЛ АЁЛИ

Моҳирахон Пўлатова Фарғона туманидаги Логон қишлоғида жойлашган 49-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Уни тадбирлар ташкилотчиси, Ўзбекистон ХДП фаоли, ҳамқишлоқларининг яқин маслаҳатчиси ва сирдоши сифатида ҳурмат қилишади.

— Қишлоғимиз аёлларига амалий ёрдам бергим келади, — дейди у. — «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» танлови низоми билан танишгач, унда иштирок этишга қарор қилдим. Чунки голиб бўлган иштирокчи лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилишига кўмак кўрсатилар экан. Мен эса янги иш ўринлари яратишни истайман.

Логон Фарғона туманининг хушманзара, табиати саховатли, маъданли сув манбаларига эга қишлоғидир. Шунинг учун ҳам бу ерда «Етти булоқ» сирдохи, яна бир нечта даволаш масканлари жойлашган. Моҳирахон уларнинг шарт-шароитларини ўрганди. Маълум

бўлишича, ётоқ чойшабларига, дераза ойналарига, пардаларга эҳтиёж бору, қишлоқда тикув устaxonаси йўқ. Қолаверса, ҳамқишлоқлари хонадонида тўй бўлса, шаҳардаги тикувчиларга югуришади. Логонда эса аёлларни иш билан таъминлаш муаммоси бор.

Моҳирахон тузган лойиҳада тикувчилик ишини 5 та YAMATA-870 тикув машинаси сотиб олишдан бошлаш кўзда тутилган. Туман банкларининг биридан ушбу лойиҳага имтиёзли кредит олинди. Маблағга тикув машинасидан ташқари хомашё — турли матолар харид қилинади.

Давоми 2-бетда.

## ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

«Истиклол» санъат саройида 18 январь кuni Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган маданий дастур бўлиб ўтди.

Мазкур дўстлик ва санъат кечаси Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янграб, тадбир бошлангандан дарак берди. Сўзга чиққанлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунга ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

— Хитойда «Дўстинг қанча кўп бўлса, йўлинг шунча кенг бўлади», деган мақол бор, — деди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Сун Лицзе. — Ўзбекистон Хитой учун яқин дўст ва стратегик ҳамкордир. Бу муносабатлар янада ривожланиши тарафдоримиз. Ушбу байрам тадбири халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга ишонамиз.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар йўналишда ҳам изчил ривожланиб бормоқда. 2005 йили Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти очилган. Ҳозирда ушбу даргоҳда 350 дан зиёд тингловчи, талаба ва ишбилармон тахсил олмоқда. Институт ташкил қилингандан буён 2,5 мингдан ортиқ киши ўқув курсларини тамомлади.

2012-2013 ўқув йилидан Пекин чет тиллар университетида ўзбек тилини

ўқитиш йўлга қўйилган. 2013 йил 15 май кuni Шанхай университети ҳузуридида ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти неғизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилган. 1998 йили ташкил этилган «Ўзбекистон — Хитой» ва 2007 йили ўз фаолиятини бошлаган «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари мамлакатларо маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасида самарали ҳамкорлик доирасида мен Ланжоу, Дальян, Сямьэн каби шаҳарларда тахсил олдим, педагог сифатида малакамни оширдим, — дейди Шанхай университети Хитой тили ва адабиёти факультети докторанти Нигина Расулева. — Бугунги концерт — дўстона алоқаларимиз ифодаси. Ўзбек ва хитой халқ кўшиқлари ва рақсларидан баҳраманд бўлдик.

Тадбирда «Ўзбекистон — Хитой: биродарлик йўли» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Концертда «Сабо» миллий рақс ансамбли томонидан «Шарқ», «Хоразмча рақс», Ўзбекистон халқ артисти М.Тошматов, халқро танловлар лауреатлари Р.Мирзақамол, Г.Нурметова ижросида «Абадий дўстлик», «Мен ва менинг Ватаним», «Дўст», «Она ўлкам» сингари кўшиқлар ижро этилди. Хитой миллий маданият маркази ушу тўғраги аъзоларининг кўргазмали чиқиши, «Арслон» рақси, хитойлик Фан Инчунининг «Порла, Тошкент» кўшиғи ва бошқа номерлар томошабинларга завқ улашди.

# ИНСОН МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Тўғриси, кўпчилик бу мажлис танқидий руҳда ўтишини тахмин қилаётганди. Аммо маъруза қамрови бунчалик кенг, таҳлил ва танқид бунчалик чуқур бўлиши, камчилик ва муаммолар, уларнинг сабаблари, айбдорлари очиқ-ошкора айтилиши кутилмаганди. Вазифалар аниқ, кескин белгилаб берилиши, талаб бунчалик қатъий кўйилиши фавқуллоҳда ҳодиса бўлди. Бунинг устига барча вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида ташкил этилган студияларда маҳаллий ҳокимиятлар, вазирликлар худудий бўлинмалари, корхона, ташкилотлар раҳбар ходимлари, фермер ва тадбиркорлар видео-конференция орқали мажлисни кузатгани ҳукумат фаолиятининг ошқоралиги, шаффофлигини таъминлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар дадил чуқурлашиб бораётганини кўрсатди.

Маърузада айтилган очиқ танқидлардан кимдир хижолат тортган бўлса, кимнингдир кўнгли ранжиган бўлиши мумкин. Аммо танқидлар асосли бўлди, халқимизга маъқул келди. Чунки бу аччиқ гапларнинг ҳамма-ҳаммаси одамларни ташвишга солиб келаётган муаммолар ечими, халқимиз манфаати ҳимояси билан боғлиқ эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш керакки, бу гаплар оддий одамлар дардига малҳам бўлди, уларнинг кайфиятини кўтарди, қанчадан-қанча ташвишли масалалар ҳал бўлишига ишончини оширди. Бу маъруза миллат тақдирини учун чин дилдан қайғуришнинг ёрқин ифодаси, одамлар манфаатини ҳимоя қилувчи дастур бўлди.

Президент мажлис бошиданок мавзу Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили талабларига бағишланиши, шу боис йиғилишнинг ҳам мулоқот тарзида ўтказилиши тақдир қилди. Кўйилган савол ва жавоблар аниқ ва равшан, тушунарли бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу тартиб мажлис ниҳоятда ишчан ва амалий руҳда ўтишини таъминлади.

Айниқса, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тартиби жорий этилаётгани чуқур ўйланган адолатли ташаббус бўлганини одамлар мамнуният билан эътироф этмоқда. Бу муҳим ишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат раҳбарлари фаол иштирок этиши ҳисобот беришлар амалий тус олиши, камчиликлар принципал ҳал этилишини таъминлайди. Шунингдек, жойлардаги айрим муаммолар ечими қонунларда ўз ифодасини топади.

Одамлар билан мулоқот масаласи шу даражада жиддий кўйилмоқдаки, республика миқёсидаги барча давлат идоралари раҳбарлари, масъул ходимлари кабинетларда ўтириб, қозғобозлик билан вақт ўтказмай, худудларга бориши, узоқ, чекка қишлоқларда бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганиши талаб этилмоқда.

Маърузада айтилган очиқ гаплар, амалий таклифлар жамиятда катта ўзгариш, янгиланиш бошланаётганига одамларни ишонтирди, ҳаётимизга янги руҳ кириб келаётганини кўрсатди. Баландпарвоз гаплар, камчиликларни ҳаслўшлар, сен менга тегмасанг, мен ҳам сенга тегмайман, каби қарашлардан юз ўгириб, амалий натижа берадиган ишлар билан шуғулланиш кундалик вазифа сифатида белгилаб берилди. Тўғри, бу талаб юқини кўтаролмайдиган раҳбарлар оғриниши, ўзаро «дардлашиши» мумкин. Аммо вазифалар қатъий кўйилмоқда. Уларни муҳокама қилиш эмас, балки сўзсиз бажарилишини таъминлаш талаб этилмоқда.

Маърузада яна бир муаммо — айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари халқимизнинг турмушидан беҳабар қолаётгани таъкидланди. Бу — бор ҳақиқат. Пойтахтдаги ва бошқа катта шаҳарлардаги кўпгина идоралар раҳбарлари мамлакатимиз узоқ қишлоқларидаги ҳаёт ҳақида етарли тасаввурга эга эмас. Одамлар қозонида нима қайнапти, уй-жойининг аҳволи қандай, тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси, сифати талабга жавоб берадими? Электр энергияси, газ таъминотида нима муаммо бор?..

Баъзан шундай ҳолатлар кузатиладики, пойтахтда ўтказилаётган катта тадбир атрофида юзлаб кишилар айланмиб юриди, бир чақа фойдаси тегди, йўқми, ўзини иш қилгандек кўрсатади. Байрамларда концерт дастури тайёрлаш билан умри ўтаётган, шу билан ўз вазифасини бажардим, деб ҳисоблаб юрган амалдору масъул

спортчиларимиз қўлга киритган медалларни санаб, ҳисобот ёзиб, бу галабаларга ўзимизни шерик қилиб кўрсатишга ўрганиб қолмадикми?..

Аслида спорт иншоотларини давлат қуриб беради, мусобақалар учун маблағ ажратилади. Федерациялар, ҳомийлар спортчини қўллаб-қувватлайди. Мурабий шогирди билан йиллаб тер тўкиб, меҳнат қилиб, галабага эришади. Катта тури бўйича олимпиадада медал оламузу бошқа турлари оқсаётгани билан қизиқмайди? Махсус спорт мактабларидан қайсилари терма жамоаларга спортчи тайёрлаб берапти-ю қай бирининг фаолияти ислоҳга муҳтож? Ёки ўйлаб кўрайлик, қишлоқ жойларида китоб дўконлари сони қанча? Матбуот нашрларини тарқатиш иши қай аҳволда?..

Бу саволлар замирида энг аввало соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим масала турибди. Маънавият-маърифат, маданият, ёшлар онгида ёт ғояларга қарши иммунитетни кучайтириш масалалари билан боғлиқ бу саволлар.

Таърибада кўп кўрганмиз, баъзан танқидий гап айрилса, айрим идоралар раҳбарлари номига қилинган бирикки ишини пеш қилишни бошлайдилар. Энди вазифа бутунлай бошқача кўйилапти, мамлакатнинг ҳамма худудларини, барча соҳаларни қамраб олиб, ҳақиқий аҳволни ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш учун таклифлар тайёрлаш ва улар ҳаётда ўз ифодасини топишни таъминлаш халқимиз олдидаги бурчимиз, вазифамиз, қарзимиз, деб ўқтирилмоқда.

Бугун жойларда қандай хато-камчиликлар борлигини билиш учун эса ҳаётнинг ичига кириб бориш, оддий одамлар билан юзма-юз суҳбатлашиш, улар турмушини ўз кўзимиз билан кўриб, хулоса чиқариш кераклиги таъинланмоқда. Ҳатто «Ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш» ва уларга амалий ёрдам бериш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Бу топшириқ энг долзарб масалалардан бири ҳисобланган бандликни таъминлашда, ижтимоий ҳимояни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз маърузасида кўйилган вазифалар кўлами кенг, юки оғир, талаби қатъий. Улар ижросини таъминлаш учун катта масъулият, фидойилик, чидам ва ирода керак бўлади. Бу юксак талаблар замирида улус мақсадлар турганини ҳис этиш эса кучимизга куч қўшади, меҳр билан, чин юракдан ишлашга ундайди.

**Сафар ОСТОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

## Қоғозлардаги рақамлар, кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлмасин, ўзгаришларни одамлар ўз ҳаёти мисолида сезмаса, кўрмаса, уларни рози қилиб бўлмайди.

Ҳозирги сиёсат шундайки, кабинетларда ўтиришга ўрганиб қолган раҳбарларни ўрнидан кўзгатиш, юзак ҳисоботларга барҳам бериб, халқ ҳаётини ҳар томонлама ўрганиб, муаммоларини ҳал этишга, бир сўз билан айтганда, чин маънода одамларнинг хизматини қилишига сафарбарлик эълон қилинди.

Очиқ айтилди, «рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги кампаниябозликни уюштириш керак эмас». Дарҳақиқат, қоғозлардаги рақамлар, кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлмасин, ўзгаришларни одамлар ўз ҳаёти мисолида сезмаса, кўрмаса, уларни рози қилиб бўлмайди.

ҳодимлар озми? Улар мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшаши, аҳолига хизмат кўрсатиб келган кинотеатр, клуб ёки маданият саройлари, кутубхоналарнинг қанчаси йўқ бўлиб кетгани билан қизиқмайди. Бугун тадбиркорлар томонидан қишлоқ жойларида спорт майдончалари, сунъий қопламали футбол майдончалари барпо этилмоқда. Лекин мавжуд спорт майдончалари ёшларнинг қанча фонзини қамраб олаётгани билан ким шуғулланапти?..

Биз — масъуллару мутасаддилар катта шаҳарлардаги катта спорт атрофида айлиниб қолмаяпмизми? Халқаро мусобақаларда, жаҳон чемпионатлари-ю олимпиада ўйинларида

Маъруза бошдан поёнигача — инсон манфаатини ҳимоя қилиш, халқимиз муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш масаласига бағишланди. Бунинг учун танқидий таҳлил, қатъий тартиб-ниҳом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши кераклиги ўқтирилди. Бошқача айтганда, қайси соҳа, қайси лавозим ёки вазифа кимга ишониб топширилган бўлса, ўша раҳбар ўз вазифасини масъулият билан бажариши шартлиги талаб қилинмоқда.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг, демократик жараёнларнинг бугунги босқичи, жамиятда тўпланиб қолган муаммолар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, талаби барча соҳалардаги ишларга янгича ёндашувни тақозо этмоқда.

Шу боис ҳам 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта устувор вазифасидан дастлабкиси фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини ҳаётга таъбиқ этиш деб белгиланди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

## Кўрик-танлов ФАРФОНАНИНГ ФАОЛ АЁЛИ

— Биз дастлаб тумандаги тиббиёт масканлари ва сўхатгоҳлар учун уларнинг рамзи туширилган чойшаблар тикамиз. Михозлар билан шартномалар тузилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, олти ойда фойда қила бошлайсиз. Шунда биз таваккал қила оламиз, яъни алоҳида воситачилар, чакана савдо ташкилотлари, яқна тартибдаги истеъмолчилар билан ҳам шартнома асосида ишлаб бошлаймиз. Бир йилдан сўнгра тивук машиналар сонини ўн-



Ҳакамлар Моҳирахоннинг лойиҳасини муносиб баҳоладилар. Умуман, танловда иштирок этган 18 нафар аёлнинг барчаси қизиқарли лойиҳаларни тақдим этишди.

Масалан, Ўзбекистон тумани вакиласи Дилорахон Деҳқонова «Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги — фуқаролик жамиятининг муҳим шартини» йўналишида ўзига хос лойиҳа тайёрлаган. У қишлоқ аёллари учун семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиш, ОАВда уларнинг чиқишларини ташкил этиш, хотин-қизларни жамиятнинг фаол

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

аъзосига айлантиришни таклиф этди.

Танлов иштирокчилари, шунингдек, «Қонунларимиз — ҳаётимиз асосидир», «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартлари бўйича ҳам ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Яқуний натижаларга кўра, гоилиблики дағфаралик Санонбархон Ирисматова, 2-ўринни Фаргона туманидан Моҳира Пўлатова, 3-ўринни Ўзбекистон туманидан Дилорахон Деҳқонова қўлга киритди.

Танлов якунида иштирокчиларга вилоят партия кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Муҳаммадҷон ОБИДОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Ўзбекистон ХДП гуруҳи ташаббуси

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Аввало айтиш керакки, пластик карточкалар ва тўлов терминалларида фойдаланиш оғриқли масала сифатида кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлиб келмоқда.

## ТўЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММО ҚАЧОН ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

**МАРКАЗИЙ БАНК ВИЛОЯТ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ МУТАСАДДИЛАРИ ХАБАРДОР ЭТИЛГАНЛИКЛАРИГА ҚАРАМАЙ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИГА КЕЛМАДИЛАР.**

Бу муаммо Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳи томонидан босқичма-босқич ўрганилиб, тегишли тартибда муҳокама қилиб келинмоқда. Партияимиз гуруҳи мазкур масалани 2015 йил 28 декабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясига киритган, танқидий мулоҳазалардан сўнг тегишли қарор қабул қилинган эди. Сессия қарорининг 9-бандида мувофиқ, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия қарор ижроси юзасидан ушбу масалага қайта эътибор қаратди.

Йиғилишда доимий комиссия томонидан таҳлилий ахборот тақдим этилди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг пластик карточкалардан бемалол фойдаланишларини ташкил этиш, бу борада савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларини тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминлаш бўйича вилоятда муайян ишлар амалга оширилган.

Айни вақтда пул тушумига эга бўлган субъектларга 11950 та терминал ўрнатилган, аҳолига 210 та инфокиоск хизмат кўрсатмоқда. 2016 йилда терминаллар, пластик карточкалар ҳамда инфокиосклар сони сезиларли даражада кўпайган. Яна 3000 донна терминал, 650 минг донна пластик карточка олиб келиш учун Бош бошқармага буюртмалар берилган.

Маълумотларга кўра, ўтказилган текширишларнинг 249 тасида тўлов терминали орқали савдо қилиш қондаларини бузиш, 197 тасида тўлов терминали ўрнатмасдан фаолият кўрсатиш, 26 тасида пластик карточкалар орқали тўловларни нақд пулга нисбатан юқори нархларда қабул қилиш, шунингдек, пластик карточкалар орқали тўловни рад этиш ҳолатлари аниқланган.

Бу борадаги қиридабузарликлар бўйича 25,9 миллион сўм миқдорда маъмурий жазо, яъни жарима қўйилган. Ҳужжатсиз фаолият юритаётган 632 фуқародан 1 миллиард 284 миллион 100 минг сўмлик товар моддий бойликлари олинмиб, иш судларга юборилган ва судлар томонидан 44,7 миллион сўм миқдорда жарималар қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига олти йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамастан, ҳозиргача тўлов терминалларисиз фаолият юритиб келаётган савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари учраб турибди.

Бундан ташқари, банк пластик карточкалари орқали тўловларни амалга оширишда 15-20 фоизгача устама нарх қўйиш, пластик карточкалардаги маблағларни 20 фоизгача чегириб қолиш йўли билан нақдлаштириб бериш каби ҳолатлар ҳамон кузатилаётгани янгилик ҳолдир. Бу борадаги хато ва камчиликлар масъул идоралар ва мутасадди шахсларнинг айби, сусткашлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Аммо яна бир жиҳат шуки, бу каби иллатларга чек қўйилмаётганига жамоатчилик назоратининг фаоллашмаётгани, фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг ётарли даражада шаклланмаганлиги ҳам жиддий сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда вилоят бозорлар уюшмаси бош ҳисобчиси Расулжон Аҳмадиева, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят бошқармаси мутахассиси Тоҳиржон Қайумов, ЎзХДП гуруҳи раҳбари Дилором Абдурахимова, депутат Нарғиза Мухаммадиева, ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Фахриддин Йўлдашев, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Норин туман партия кенгашлари раислари Абдулҷаҳон Қодиров, Равшан Қосимов ҳамда Мавлуда Бакировалар сўзга чиқиб, ушбу долзарб масалани ҳал қилиш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдиришди.

Марказий банк вилоят Бош бошқармаси ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси мутасаддилари хабардор этилганликларига қарамай, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси йиғилишига келмадилар. Қайта-қайта қўнғироқлардан кейин «Асака» банк вилоят бўлимидан Шокиржон Абдуллаев етиб келди. У бир қатор саволларга жавоб берди. Аммо Марказий банк вилоят Бош бошқармасига тегишли бўлган саволлар жавобсиз қолди. Устига-устак, партия гуруҳи ва доимий комиссияга тақдим этилган маълумотлар ҳам тўлақонли бўлмади.

Буларнинг барчаси инобатга олинми, мазкур масалани вилоят Кенгаши сессиясига киритиш бўйича қарор қабул қилинди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли» кўрик-танлови барча худудларда юқори савияда ўтмоқда.

# КЕКСАЛАРИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Халқимизнинг энг улуг қадриятларидан, эзгу фазилатларидан бири — кексаларни қадрлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш ҳисобланади. Бу масала истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Кексаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат муҳофазасига олинди. Конституцияимизнинг 45-моддасида ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги қарор қилинган. Бош қомусимизнинг 66-моддасида эса «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётимизнинг машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сийосатдир. Ушбу тамойил асосида ўтган даврда мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий соҳани ривожлантириш, жумладан, ёлғиз кексалар, қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Асосийси, бугунги кунга келиб ёлғиз кексаларимизни муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш бўйича қонунчилик базаси шакллантирилган. Унга кўра, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларга эътиборни кучайтириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида мазкур масалага оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш орқали кексаларимизнинг ҳаёт даражасини тораб яхшилаб бориш назарда тутилган.

Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қўллаб-қувватлаш ва имкониятлар яратилганини фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг

қабул қилиниши катта авлоднинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш ишидаги ролини оширишга хизмат қилади.

Ушбу фармон билан ҳар бир туман ва шаҳарда, хусусан, маданият ва дам олиш истироҳат босқини ҳудудда «Нуронийлар маскани» мажмуалари фаолият кўрсатиши, мажмуаларда китобхоналар заллари, дам олиш хоналари, кексалар учун махсус тренажёрлар билан жиҳозланган давонаш-жимсоний тарбия заллари, шунингдек, ошхона ва тиббий хона ташкил этилиши, уларни зарур мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг пенсионерларни, биринчи навбатда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ўз тизимидаги санаторийларда соғломлаштириш (шу жумладан, дори воситалари олиш), меҳнатқашларга уларга ажратилган йўлнамаларини ўзларининг ота-оналарини соғломлаштиришга юбориш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан 2007 йил 19 мартда қабул қилинган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон, 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгиланган. Мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti иштирокчилари турмуш фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, 2015 йил 14 апрелдаги «Қарияларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида асосан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида ёши 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига 2015 йилнинг 1 майдан бошлаб, ҳар ойда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан қўшимча тўлов тўлаш белгиланди.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23-апрелдаги қарори билан «Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига темир йўл транспортда бепул юриш ва ҳаво транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Илгари шахар жамоат транспортдан фойдаланишда кексаларимиз бепул юриш ҳуқуқига эга эди. Эндиликда уруш ва меҳнат fronti фахрийларимизнинг бу имтиёзларига улар соғломлаштириш муассасаларига бораётганда темир йўл ҳамда ҳаво транспортдан бепул ва имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи ҳам қўшилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Кексаларни соғломлаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича нодавлат пансионати тўғрисида»ги Низом тасдиқланиб, унга кўра,



кексаларни соғломлаштириш, уларнинг дам олишлари ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан кексаларнинг ҳаёт сифати янада яхшиланиши таъминлашга қаратилган таомиллар белгилаб берилди.

Шулар қаторида, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 2016 йил 1 январдан бошлаб, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий ҳимоятлар, ижтимоий ёрдам кўрсатиш яқка тартибда шакллантирилган ижтимоий хизматлар дастури асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу қарор билан ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарларининг рўйхати тасдиқланди.

Кексаларни эъозлаш бўйича бу каби чора-тадбирлар Конституцияимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топтиганини кўрсатади.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган 2429 нафар фуқаро яқка тартибдаги тадбиркорлик билан, 534 нафар фуқаро юридик шахс ташкил этган ҳолда, 706 нафар фуқаро фермер хўжаликлари ташкил этган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Адлия органлари ходимлари томонидан ушбу тадбиркорлик ҳаракати мониторинги ўтказилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мамлакатимизда ёши улуг инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилган бўлиб, улар ҳар томонлама давлат муҳофазасидадир. Бу каби кенг кўламли ислохотлар замирида, аввало, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ҳаётимизни бундан-да обод ва фаровон қилиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, энг муҳими, эл-юртга хизмат қилган, бугунги фаровон ҳаётимиз учун курашган кексаларимизни қадрлашдек эзгу мақсадлар муҳасамдир.

**Авазбек МАДАМИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи.

Китоб — яхши хулқ, яхши фазилатлар қалити. Унга қанчалик яқин бўлиш ва севиб мутлаа қилиш инсон руҳиятини нурга, қалбини яхшилик ва эзгуликка тўлдирди. Яқинда китоб дунёси Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Танланган асарлар», унинг қорақалпоқ тилида нашр этилган «Рухлар исёни» дostonи ва адабиётшунос Р.Иноғомовнинг «Шоирлик қисмати» китоблари билан бойитилди.

## КИТОБ — НАФОСАТ ЁҒДУСИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан ушбу янги чоп этилган китоблар тақдими ўтказилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Мараҳимов, Ўзбекистон халқ шоири А.Обиджон, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Н.Жонузоқ ва бошқалар Эркин Воҳидовнинг ижодий мероси ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, адабиётга қизиқишини уйғотиш ва уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бундай эзгу ишларда шоир ижодини кенг оммага таништириш ва у яратган асарларни нашрга тайёрлаш мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нашриётларга катта масъулият юклайди.

Эркин Воҳидовнинг «Танланган асарлар» китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Ижод» жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Шоирнинг қорақалпоқ тилида нашр этилган «Рухлар исёни» дostonини Нуксудаги «Билим» ва адабиётшунос Р.Иноғомовнинг «Шоирлик қисмати» китобини «Mashhur-press» нашриётлари чиқарди.

Тадбирда тақдими ўтказилган китоблардан юз нусхаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан университетнинг Аxborot-ресурс марказига тақдим этилди.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,**  
ЎЗА мухбири.

Реклама ўрнида

## «ИПОТЕКА-БАНК»: АҲОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Республикамизнинг етакчи молия муассасаларидан бири — «Ипотека-банк» АТИБ 38 филиали ва 154 мини-банк орқали аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

Марказий банк томонидан 306 маҳалладаги 380 минг хонадон «Ипотека-банк»ка бириктирилган. Меҳнатга лаёқатли 1 миллион 73 минг фуқаро банк томонидан тақдим этилаётган хизмат турлари билан таништирилган ҳолда аҳолининг ҳудудий жойлашувига қараб тадбиркорлик турлари тақлиф этилмоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак, ҳозиргача банк ходимлари томонидан қарийб 40 мингга яқин хонадонга ташриф буюришиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун банк хизматлари ва кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи ўрганилди. Хонадон аъзолари ўртасида сўхбатлар асосида савол-жавоб варақалари расмийлаштирилди. Шунингдек, 335 минг 685 хонадонга тақлиф хати ва савол-жавоб варақаси почта орқали тарқатилди.

Ўтказилган тадбирлар ва сўхбатлар асосида 3 мингдан ортиқ юртдошимиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Ҳозирга қадар уларнинг 100 нафардан ортиғига имтиёзли шартлар асосида 3 йил муддатга 940 миллион сўмдан ортиқ сармоялар йўналтирилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хонадон аъзоларига қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, баликчилик, қўёнчилик ва бошқа шу каби йўналишлардаги соддалаштирилган бизнес режалар ҳамда тушуниш осон бўлган тарқатма материаллар тақдим этилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларида «Тадбиркорлар бурчаклари» ташкил этилмоқда, улар амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва тарқатма материаллар билан таъминланяпти. Банк филиаллари ва мутасадди идоралар масъуллари иштирокидаги семинарлар жадваллари ишлаб чиқилмоқда.

Умуман, 2016 йил якунига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларига 1039,8 миллиард сўм миқдоридан кредитлар йўналтирилди. Шунингдек, 252,8 миллион сўм микрокредитлар ажратилди. Натижада маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш бозорини ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 13,6 миллиард сўм сармоялар ажратилди. Бу эса чекка ҳудудларда ҳам мутлақо янги-янги йўналишларда фаолият бошлаётган оилавий тадбиркорлар бугунги вужудга келишига хизмат қилаяпти.

Банк томонидан тадбиркор аёллар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 119,8 миллиард

сўм миқдоридан кредитлар йўналтирилди. Натижада 650 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти учун банк филиаллари томонидан 14,6 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Ёшларнинг ишбилармонлик қобилиятларини юзага чиқариш, молиявий қўллаб-қувватлаш «Ипотека-банк» фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2016 йилда 1167 нафар битурвчига 26,8 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар кўламини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Мазкур молия муассасаси юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

«Ипотека-банк» мамлакатимиз уй-жой бозорини ривожлантиришда фаол қатнашиш орқали ўз молиявий кўрсаткичларини ҳам барқарорлаштириб бормоқда. Ўтган давр мобайнида банк филиаллар тармоғини ривожлантириб уй-жой қурувчи ташкилотларга кредит ажратиш учун маҳаллий ва хорижий инвестиция маблағларини жалб қилиб келмоқда.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташласак, уларда инвестициялар таркибиде умумий сармоялар ҳажмининг асосий улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўри келаётганига гувоҳ бўламиз.

«Ипотека-банк» жамоаси ёш оилаларга ипотека кредитларини ажратишнинг асосий сифатида қараб келади. Бунда банк томонидан молиялаштирилган ётган уй-жойларни аҳоли учун қулай шартларда ипотека кредити орқали расмийлаштириш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, 2015-2016 йиллар мобайнида молия муассасаси томонидан аҳолига фойдаланишга топширилган уйлар сони 78 тани, квартиралар сони 2268 тани ташкил этгани, квартиралар умумий майдони эса 203 170 кв. метрдан ошганлиги, уй-жой қурилиши учун узоқ муддатли кредитлаш тизими асосида миқдорларга жами 294,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилганлигининг шохиди бўламиз.

2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш тўғрисидаги Президент қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда арзон, шу билан бирга, барча шарт-шароитларга эга намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши мўлжалланмоқда. Бу эса ўз навбатида, банк зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганини ҳисобга олиб имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартларини жорий этишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларини тўлиқ ҳисобга олувчи қурилишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган принципап жиҳатдан ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Ушбу ҳужжатга кўра, жорий йил якунига қадар, «Ипотека-банк» томонидан вилоятларда 1497 яқка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш режалаштирилган.

«Ипотека-банк» томонидан бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, қулай ва кўракм турар жойлар барпо этиш, маийий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш билан бир қаторда ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, 2016 йил якунига кўра, муассаса вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида 65 қўп қаватли уй-жой қурилишини молиялаштириш учун 295,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди. Ҳозирда мазкур уйларнинг 34 тани (886 хонадонли) фойдаланишга топширилди. Шунингдек, айни пайтда бундай уйларнинг яна 31 тасида (жами 1124 та хонадондан иборат) бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган.

Мухтасар айтганда, «Ипотека-банк» иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, миқозларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлалиқча қондириш, аҳолининг бизнес фаолиятини кенгайтириш йўлида изчил иш олиб бормоқда.

**Алишер РҲЗИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар»

## Фармон ва ижро

Наманган вилоят ҳокимлигида мазкур ҳудудда истикомат қилиб келаётган 13 нафар юртдошимизга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

## Фуқаролик — улуғ бахт



Маросимда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»-ги фармони «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»-ги қонун қуча қирган вақтда турли сабабларга кўра, чет элда бўлган, сўнг юртга қайтиб, Ватанимизнинг тарақиёти ва раваногия ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Чексиз мамуният билан фуқаролик паспорти олган қосонсойлик Октябрхан Арапова севинчини шундай баён этди:

— Ёшим 82 да. Биология факультети бўлимида. Кўп йиллар давомида паррандачилик фабрикасида раҳбарлик қилганман. 1991 йилда Олмаотга

бориб, онам бетоблиги учун бир йил туриб қолдик. 1992 йилда Қосонсойга қайтиб келсам, қонунларга ўзгаришлар киритилиб, тартиблар янгиланди. Шу йиллар давомида Ўзбекистонда яшаб, ҳеч нарсага зориқмадим, ҳурмат-эъзозга яшадим. Аммо юрагимнинг бир четидан кемтиклик бор эди. Айниқса, сайлаш, сайланиш жараёнларида иштирок этолмаслигим армон эди. Президентимизга минг минг раҳмат. Бугун Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий фуқаросига айланганимдан бахтлиман.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган бошқа юртдошларимиз ҳам ўз миннатдорликларини изҳор этишди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

## янги лойиҳа асосида қурилади

Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлашда мактабгача таълим муассасаларининг ўрни» мавзусида медиа-тур ташкил этилди.

Журналистлар тadbир доирасида Қибрай туманидаги 10-мактабгача таълим муассасасида бўлиб, мактабга тайёрлаш гуруҳи, ривожлантирувчи марказ, қисқа муддатли гуруҳлар ҳамда кутубхона фаолияти билан танишдилар.

— Президентимизнинг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қароридан кейин барча мактабгача таълим муассасалари фаолияти қайтадан танқидий қўриб чиқилди, — дейди **Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Яхшигул Шодиева.**

— Ҳар бир мактабгача таълим муассасасида очиқ мулоқот қабулхонаси ташкил этилиб, унда ота-оналардан тушган таклифлар ўрганилмоқда. Шунингдек, соҳа мутахассислари томонидан ўртага ташланган инновацион ғояларни баҳолаш учун экспертлар гуруҳи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Инсон ўз умри давомида оладиган кўникмаларнинг 70 фоизини беш ёшгача бўлган даврда қабул қилади, — дейди **Ботиржон Ғуломов.**

— Мана шу муассасада тарбияланган ўғлим Жавоҳир ҳозир тумандаги 302-мактабда аъло баҳоларга ўқияпти. Шунинг учун қизим Фарангизни ҳам шу даргоҳга бердим.

Медиа-тур давомида тумандаги 26-муסיқа ва санъат мактабиди журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли тadbирлар ҳақида батафсил маълумот берди.

— Болаларни мактабга тайёрлаш жараёнини тубдан қайта қўриб чиқиш ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, таълим-тарбия сифатини ошириш, замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, аъло баҳоли мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари



яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди **Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев.**

— Мамлакатимиз буйича мактабгача таълим муассасаларида 6100 қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилиши режалаштирилган. Мазкур услуб болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг самарали шакллари билан бир ҳисобланади. 2017-2021 йилларда 2200 та мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илгор ҳорижий таъриба ва технологияларга таянган ҳолда, мамлакатимиздаги барча қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни таълим-тарбия инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш учун 2,2 триллион сўм миқдориди маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари аввалгилардан фарқли равишда янги лойиҳа асосида қурилади. Лойиҳага киритилган, қулай шароитга эга бўлган ёзги айвончалар, сузиш бассейнлари кичиктойларнинг жисмоний ва маънан баркамол авлод бўлиб ўсишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган 3-6 ёшдаги болаларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш масаласида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. 2016 йилда беш китобдан иборат бундай қўлланмалар 200 минг нусxada чоп этилиб, ота-оналарга бепул тарқатилди. 2017 йилда эса қўлланмалар сони мавзу йўналишига қараб еттигача етказилди ва ҳар бири 400 минг нусхадан чоп этилиб, ота-оналарга бепул тарқатилади.

Муҳим янгиликлардан яна бири шуки, қишлоқ жойларидаги мактабгача таълим муассасаларига ота-оналар томонидан амалга ошириладиган бадал тўловини 30 фоизгача камайтириш, 2021 йилгача болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиниши 1,5 баробарга ошириш кўзда тутилмоқда.

Дастурнинг самарали амалга оширилиши Халқ таълими вазирлиги томонидан доимий мониторинг қилиб борилади.

Тadbир якунида Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтардилар.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Ўзбекистон ифтхорлари

### «Профессионал боксга ўтишни ўйлаганим йўқ»

Бокс бўйича XXXI ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони, «Ўзбекистон ифтхори» фахрий унвони соҳиби **Ҳасанбой ДўСМАТОВ** нималарни орзу қилипти?



— Спортчи борки, жаҳон ва Олимпия чемпиони бўлсам, деб орзу қилади, — дейди у. — Аммо бу шунчаки ҳавас билан амалга оширмастлигини барча яхши билади. Утган йил нафақат мен, балки мамлакатимизнинг кўплаб спортчилари учун жуда омадли ва ғалабаларга бой бўлди. Бу эса, аввало, мамлакатимизда биз, спортчиларни қўллаб-қувватлаш, қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганининг самараси, деб биламан.

— Утган йили Рио-де-Жанейро олимпиадаси олтин медалини қўлга киритиш билан биргаликда кўплаб нуфузли совринларга ҳам сазовор бўлдингиз...

— Рио-де-Жанейро олимпиадаси финалида колумбиялик Юберхен Мартинес Ривасни енгиб, терма жамоамизга илк олтин медални олиб бердим.

Юртимизга қайтгач, «Ўзбекистон ифтхори» фахрий унвони билан тақдирландим. Ноябрь ойининг охири кунларида «Олтин Мангуст» халқаро совринига муносиб кўрилдим. 20 декабрь куни Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро бокс уюмаси (АИВА)нинг «Йилнинг энг яхши боксчиси»га аталган махсус соврини билан тақдирландим. Куни кеча эса Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Йилнинг энг яхши спортчиси» номинацияси бўйича қолиб, деб топилдим. Тўғриси, бу совринни кутмагандим. Чунки юртимизда бундай эътирофга муносиб спортчилар жуда кўп эди.

— Бундай нуфузли мукофотлар, совринларга эришган спортчи билан

сухбатлашишни истаган журналистлар, мухлислар кўп бўлади. Қолаверса, маданий ва маърифий тadbирларга таклифлар ҳам кўпади. Машгулотларга ўз вақтида улгуряйсизми?

— Юқорида айтганимдек, мухлислар эътибори ва эътирофи спортчи учун жуда муҳим. Яширмайман, учрашув ва тadbирлар жуда кўп. Аммо барчасига аниқ режалар асосида улгурйишга интиляман. Спортда «Чемпионликни қўлга киритишдан кўра, уни сақлаб қолиш қийин», деган ибора бор. Мен ҳали эришган ғалабаларим билан кифоялиб қолиш ниятида эмасман. Журналистларни ҳам, мухлисларимизни ҳам кўнглини топишга ҳаракат қилиман, машгулотларга ҳам улгурялман. Асосий мақсадим — 2020 йили Токио (Япония)да бўладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида ўзимни кўрсатиб, Риодаги чемпионлигим тасдиқ эмаслигини исботлаш. Бунгача эса Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида иштирок этишим зарур. Ҳозир бор диққат-эътиборимни 2017 йилда Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида пухта тайёргарлик кўришга қаратганман. Шунингдек, WCBнинг ярим профессионал бокс йўналиши бўйича бўладиган мусобақаларда терма жамоамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишда давом этаман.

**Эркин ХОЛБОБО**  
сухбатлашди.

## Реклама

### ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м<sup>3</sup>.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м<sup>3</sup>.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м<sup>3</sup>.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м<sup>3</sup>.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м<sup>3</sup>.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

## Бунёдкорлик

Денов тумани марказида янги «Бахт уйи» ва давлат нотариал идораси фойдаланишга топширилди.

Янги «Бахт уйи» ва давлат нотариал идораси

Маъмуа икки қаватли бўлиб, никоҳни қайд қилиш зали ва барча хоналар замонавий кўринишда жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда, мазкур иншоот қўрган кишининг ҳавасини келтиради.

— Яқин-яқингача туманимизда нотариал хизматлар кўрсатиш борасида талай муаммолар бор эди, — дейди **ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Хасан Мирзаев.** Ушбу маъмуа Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида деновликлар учун ажойиб совға бўлди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 5 дона компьютер жамланмаси ва 5 дона принтер қурилмаларини сотиб олиш учун танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз таклифлари ҳамда ҳужжатларини 2017 йилнинг 30 январига қадар қўйидаги манзилга тақдим этиши мумкин:

100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.  
Телефон: 0-371 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Шухрат Мирзаёновга онаси

**ҲАЛИМА** янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Насир Ешановга падари бузруквори **МУРАТБАЙ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharh: nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taqoq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138 17031 naxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21:35 Topshirilgan vaqti — 01:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6